



Ахборот-таҳлил
газетаси

НАМКОР press



www.hamkorpess.uz



t.me/hamkorpess_gazeta

Газета 2004 йилдан чиқа бошлаган

2021 йил 26 март. 6 (385)-сон

hamkor.press@mail.ru



Зухриддин УМУРЗАҚОВ олган сурат.

БОЖИЙ БАЙРАМ ШОДИЁЖАСИ



СЕНАТОР НИМА ДЕЙДИ?



ИПОТЕКА УЙЛАРИНИ ОЛИШГА КИМНИНГ ҚУРБИ ЕТАДИ?



БУГУННИНГ НАФАСИ

* Мамлакатимизда Космик тадқиқотлар жамғармаси ташкил этилади.

* "Ўзбекнефтегаз" АЖ томонидан Қашқадарёда табиий газ захираси 5,5 млрд. куб метрдан зиёд янги кон очилди.

* Қуролли Кучларда тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби ўзгартирилди.

* Республика бўйича 175 та мактабда физика фани чуқурлаштириб ўқитиладиган синфлар ташкил қилинади.

* Ичимлик маҳсулотларининг истеъмол қадокларига ихтиёрий депозит тизими жорий этилади

* Наманганда маҳалла тизими ходимлари куни янги гузарлар фойдаланишга топширилди.

* 2021 йил февраль ойида кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича тузилган шартномалар сони 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 19,7 фоизга ортди.

9 БОРА КРЕДИТ: РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



ПУЛНИ ҚУВГАН ФИРИБГАР АЁЛ

Сени касоду инқирозга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутф билан муомалада бўл, "қўрқма", "зарари йўқ", "зиёни йўқ", деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.

Маҳмуд АЗ-ЗАМАХШАРИЙ

НАВОИЙГА БАҒИШЛАНГАН ОЛТИН ТАНГА



Марказий банк Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган 50 минг сўмлик ва 100 минг сўмлик олтин эсдалик тангалари ва сувенирлар тўпламларини чиқарди.

50 минг сўмлик (диаметри — 33 мм. вазни — 20 г.) ҳамда 100 минг сўмлик (38 мм, 30,1 г.) номиналга эга бўлган ушбу тангаларнинг нархи ҳозирда мос равишда 13,4 млн. ва 20,4 млн. сўмга тенг.

Сувенир тўплам таркибидаги номиналсиз бешта танга диаметри ва оғирлиги юқоридаги тангалар билан бир хил, аммо ҳар бирининг нархи 102,4 млн. сўмни ташкил этади.

Тангалар ва тўпламларни тижорат банклари филиалларидан сотиб олиш мумкин.

ИМПОРТИМИЗДАГИ ТОП-10 МАМЛАКАТ

Давлат статистика қўмитаси 2021 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистон импортида юқори улушга эга бўлган давлатлар номини эълон қилди. Жадвал қуйидагича кўриниш олган:

- Хитой — 623,0 млн.
- Россия — 618,4 млн.
- Қозоғистон — 433,7 млн.
- Туркия — 188,9 млн.
- Корея — 169,5 млн.
- Ҳиндистон — 80,8 млн.
- Литва — 72,1 млн.
- Германия — 71,0 млн.
- Украина — 57,9 млн.



— Туркменистон — 56,2 млн. АҚШ доллари

Эслатиб ўтамоғимиз, 2021 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистоннинг жами импорт ҳажми 3,0 млрд. АҚШ долларига тенг бўлади.

КОРЕЯ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА



Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг “Кённам банки” ваколатхонаси Марказий банк томонидан аккредитация қилинди.

Ваколатхона молиявий саводхонликни оширишга, шунингдек, Жанубий Кореянинг илғор тажрибаларини Ўзбекистондаги банк-молия тизимига киритишга ёрдам беради.

“Кённам банки” 1970 йилда ташкил этилган бўлиб, BNK Financial Group таркибига киради. Бу молиявий муассаса ўзини Жанубий Кореянинг етакчи маҳаллий банкларидан бири сифатида тавсия этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 5 та хорижий банкларнинг ваколатхоналари, жумладан, J.P. Morgan Chase Bank (АҚШ), Commerzbank AG (Германия) ва Korea Eximbank (Жанубий Корея) кабилар фаолият кўрсатмоқда.

ЖОНЛИ ЭФИРДА СУХБАТЛАШИШ РАД ЭТИЛДИ

АҚШ Россия Президенти Владимир Путин ва Америка етакчиси Жо Байден ўртасида тўғридан-тўғри эфирда суҳбатлашиш ҳақидаги таклифни рад этди.

Америка томони икки томонлама муаммоларни муҳокама қилиш учун очиқ режимда видеоанжуман шаклида суҳбатлашиш тўғрисидаги таклифни рад этганини Россия ТИВ афсус билан маълум қилган.

Россия Президентининг фикрича, унинг Байден билан “тўғридан-тўғри очиқ баҳси” икки мамлакат халқлари учун ҳам, бошқа давлатлар учун ҳам қизиқ бўларди.



ПАРВОЗ ВАҚТИДА ЧАҚАЛОҚНИНГ ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Турк депутати ва шифокор Ражаб Шакар Истанбул-Бишкек йўналишидаги парвоз вақтида қозоғистонлик чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолди. Болада юрак хуружи юз берган. Эътиборлиси, Шакар Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғаннинг шахсий шифокори ҳисобланади.



“Стюардесса келиб, болага ёрдам беришимни сўради. Боланинг пулси йўқ эди, у кўкариб кетиб, юраги тўхтаб қолганди. Мен унга юрак массажи қилдим, сунъий нафас бердим, шундан кейин у ўзига келди”, деб айтган шифокорнинг ўзи.

ЖИНОЯТЧИЛАР МАВЖУД БЎЛМАГАН ВАКЦИНА ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

Европа Иттифоқи давлатларига коронавирусга қарши мавжуд бўлмаган вакциналар таклиф қилинганлиги маълум қилинди.

ЕИДа бундай таклифлар қаердан олинганини айта олмасликлари, бироқ, ушбу фирибгарликка алоқадорлар уюшган жиноятчилик билан боғлиқлигини билдирган.

Жиноятчилар Финляндия ва Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига 14 млрд. евролик мавжуд бўлмаган вакциналарни сотиб олишни таклиф қилишган.



150 МИЛЛИОН КИШИ БИР ДАРЁДА ЧЎМИЛАДИ



Ҳиндистонда Кумбха мела — Кўза байрами муносабати билан ҳиндуийлик динига эътиқод қилувчи 150 миллиондан зиёд киши бир жойда йиғилиши кутилмоқда. Диний маросимлар бу йил Ҳаридвар шаҳрида ўтиши режалаштирилган.

Кумбха мела байрами давомида миллионлаб ҳиндуийлар ўз муқаддас қадамжоларини зиёрат қилади ва битта дарёда чўмилади. Уларнинг эътиқодига кўра, Ганг, Шипра, Годовари каби муқаддас дарёларда чўмилиш орқали гуноҳлардан халос бўлиш мумкин.

721 МИНГ ДОЛЛАРЛИК ПИЁЛА

АҚШнинг Коннектикут штатидаги ёйма бозорда 35 долларга сотиб олинган, XV асрга мансуб қадимий Хитой пиёласи Sotheby's аукционидан кутилганидан ҳам кўп — 721,8 минг долларга сотилди.



Пиёлани сотган ва уни харид қилган кишилар исмлари ошкор қилинмаган.

Кўк-оқ нақшинкор пиёла Мин сулоласининг Юнлэ императори даврида яратилган. У қандай қилиб ёйма бозорга тушиб қолгани жумбоқ бўлиб қолмоқда.

ОЙДА ЯШАШ ХАРАЖАТИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚИЛДИ

Буюк Британия мутахассислари Ойда яшашни истаганлар қанча пул сарфлаши кераклигини ҳисоблаб чиқди

Буюк Британиянинг Money истеъмол кредитлари бўйича воситачи компанияси мутахассислари ҳисобига кўра, Ой юзасидаги ҳаёт ойига 325 минг долларга тушади.

Бу нарх ҳаво зичлагич, саноат кондиционерлари ва иситгичлар, метеорлардан ҳимояловчи ойналар, изоляция ва энергиянинг органик манбалари каби турмуш учун зарур эҳтиёжларни ўз ичига олади. Буларнинг барчаси 40 миллион долларни ташкил қилади.



“МОВИЙ ОЛТИН” ТАНҚИСЛИГИ КУТИЛЯПТИ

ЮНЕСКО бош директори Одре Азуленнинг айтишича, дунё аҳолиси 2030 йилга келиб 40 фоиз миқдорида сув танқислигига тўқнаш келади. Сув танқислиги билан боғлиқ вазият бошқа глобал муаммолар, жумладан, пандемия оқибатлари сабабли янада оғирлашади.

— Сув бизнинг энг бебаҳо захирамиз, “мовий олтин”дир. Ҳозирда 2 млрд. киши ундан эркин фойдалана олмайди. У нафақат омон қолиш учун зарур, балки, жамиятда санитар, ижтимоий ва маданий аҳамиятга эга, — деб таъкидлаб ўтган Азуле.

Жорий йилда Республикамизда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш мўлжалланган. Жумладан, давлат ипотека дастури доирасида жами 45 мингта уй қурилади.

Уй-жойга эҳтиёжи бор аҳоли сони кўплигини ҳисобга олсак, ипотека бозори сўнгги пайтларда қатор қулайликлар яратаётгани бор гап. Жумладан, бундай кредитлар узоқ муддатга берилмоқда, иккиламчи бозордан уй сотиб олиш имконияти ҳам яратилди. Бироқ айрим ҳолларда банклар ресурс йўқлигини баҳона қилиши, ортиқча ҳужжатбозлик, кўп вақт сарфланиши кишини чарчатади.

Бу ўринда энг асосий масала — қурилиш ташкилотига бориб тақалади. Дейлик, кредит олмакчи бўлсангиз, банк уйнинг кадастр ҳужжатини сўрайди. Табиийки, янги қуриладиган уй ҳужжати у фойдаланишга топширилиши арафасида тайёр бўлади. Ўз-ўзидан ушбу ҳужжатсиз банк кредит ажратмайди, кадастр тайёр бўлганда эса уйнинг нархи осмонга чиқиб кетади. Бундан ташқари, банк кредит учун маълум чегараларни белгилаб қўйган. Мисол учун, 60 м²гача бўлган уйларга 264 миллион сўмгача, ундан катта ҳажмдаги уйларга эса 323 миллион сўмгача маблағ ажратилади. Бу дегани, уйнинг 1 м² нархи ўртача 5,5 миллион сўмдан кўп бўлмаслиги керак. Бундай нархдаги уйнинг ўзи йўқ.

Қолаверса, баъзи қурилиш компаниялари кредит сўзини эшитиши билан алоқани узиб қўяди. Улар таклиф қилаётган 3-5 йиллик "рассрочка"ни эса (ойига ўртача 10-15 миллион сўмдан тушади) ҳамманинг ҳам чўнтаги кўтармайди. Ойига шунча даромад топадиган, шунча тўлов қилиш имкониятига эга одамга кредит ҳам, "рассрочка" ҳам керак эмаслиги ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Албатта, давлат субсидия бериш орқали халққа ёрдам бермоқда, бироқ пастдаги "жараён" ўзгармаяпти-да. Банк ўз талабини қўяди, қурилиш фирмаси уйнинг 12 фоизлик солиғини ҳам елкангизга илиб қўймоқчи бўлади, унисини ҳал қилсангиз, буниси яна қандайдир шарт қўяди ва ҳоказо. Ўртада фақат одамлар сарсон. Хўш, нега қарор қабул қилинаётганда бу жараённинг барча босқичлари ҳисобга олинмайди? Халқ учун енгиллик дейилгипми, бутун тизим битта "цикл"да айланиши керак эмасми?

Уй олиш учун қанча маош олиш керак

— Албатта, ҳамма ҳам сифатли, ташқи ҳамда ички кўриниши чиройли уйларда яшашни орзу қилади, — дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бош мутахассиси Манижа Баҳриева. — Аммо бугунги шароитда талаб даражасидаги хонадонга эга бўлиш биров мураккаб. Бунинг асосий саба-

ИПОТЕКА УЙЛАРИНИ ОЛИШГА КИМНИНГ ҚУРБИ ЕТАДИ?

би аҳолининг катта қисми ойига ўртача 2 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача маош олишида. Харидни ипотека кредитлари асосида амалга оширмакчи бўлганлар учун кредитларнинг фоизи ҳамон юқориликча қолмоқда. Баъзи қурилиш компанияларнинг уйлари эса ҳар квадрат метри ўртача 6,5 миллион сўмдан бошланиб сотилмоқда. Мазкур уйларнинг бирига эгалик қилиш учун томонларнинг келишув шартномаси асосида исталган банкдан ипотека кредитини олиш имконияти мавжуд.

"Bizning uylar" қурилиш компанияси тавсия этаётган яшаш учун тайёр уйларнинг ҳар квадрат метрига 6,2 миллион сўмдан 6,7 миллион сўмгача нарх белгиланган. "Huvaydo" мажмуаси томонидан қурилган ярим тайёр уйларнинг бир квадрат метри 8,2 миллион сўмни ташкил этапти. Умуман, таъмирланган уйларнинг 1 квадрат метрини минимал 6 миллион сўм деб ҳисоблаш мумкин. Дейлик, 2 хонали 54 квадрат метрли уй. Умумий қиймати 324 миллион сўмга етади. Аввал бошида 20 фоизлик бадал пулини тўлаб қўйиш шарт. Шунда уйнинг қолдиқ таннари 259 миллион 200 минг сўм бўлади. 15 йилга 259,2 миллион сўмнинг 20 банк фоизи билан 777 миллион 600 минг сўмни ташкил этмоқда.

Демак, истеъмолчи 15 йил мобайнида 777 миллион 600 минг сўмни тўлашига тўғри келади. Банклар таклиф этаётган ипотека кредитларининг энг юқори суммаси 352 миллион сўмни ташкил этганда, ойига 5,8 миллион сўмдан тўлаб боришига тўғри келади. Энди ҳақли саволлар юзага келади? Агар оилада 1 киши ишласа, борингки, икки нафари ҳам меҳнат қилсин, уларнинг топаётгани ана борингки, 6 миллион сўм бўлсин. Бу пул уй-рузғорга етадимми ёки ипотека кредитини тўлашгами? Аслида банклар кам ойлик оладиган истеъмолчига ипотека кредитини бермайди. Йиллик даромад тўғрисидаги маълумотнома олиб борганингизда, "...хурматли мижоз, сиз бир ойда камида 8 миллион сўм маош олишин-

гиз керак, акс ҳолда Сиз билан ишлай олмаймиз", деган жавобни эшитасиз.

Уйлаб қаралса, истеъмолчи ишлаб топган ойлик даромадини 15 ёки 20 йил давомида кредитга тўласинми, фарзандини боқсинми, коммунал тўловларни амалга оширсинми? Улар шу вақт давомида еб-ичишдан, кийинишдан ўзини тийсинми? Болаларнинг таълимига сармоя-чи?



"Янги уйга 4 миллион сўм сарфладик!"

Саволлар шу қадар кўпки, агар каттагина миқдордаги биринчи тўлов билан тайёр уй-жойга кўчиб кирган оила соҳибларига юзлансангиз, ҳасратидан чанг чиқади. Юқоридаги сумма-

дан ажабланманг, янги уй-жойга кўчиб кирганидан қувончи ичига сиғмай юрган юртдошларимиз билан гаплашсангиз, бундан ҳам каттароқ суммани айтувчилар топилади.

Уларга ҳам осон эмас, ахир, биринчи тўлов учун йиққан-терганини ёки қарз-ҳаволага олганини сарфласа-да, кўчиб кирган кунидан бошлаб, ташвишларга кўмилса?

— Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун қурилиб, имтиёзли ипотека кредити асосида тақсимланган янги квартирага эга бўлдик, — дейди

Ўзбек тили ва адабиёти университетининг олий адабиёт курси тингловчиси Башорат Отажонова. — Сиртдан қараганда, кўркам ва жозибador. Дастлабки тўлов учун умумий қийматнинг 15 фоизи, яъни 56 миллион сўмни тўладик. Беш қаватли уй-жойнинг 6-қавати ҳам бизга тегишли бўлиб, 92 кв.метрдан иборат. Очиғини айтсам, кўчиб киришимиз билан муаммолар гирдобиди қолдик.

Биринчи кунданоқ ванна сувидан фойдалансак, пастдаги қўшнилари югуриб чиқишди. Уларнинг девори оқиб тушган сув туйғайли хароб бўлган экан. Исми жисмига монанд бўлмаган "Мустаҳкам қурилиш" хусусий қурилиш компанияси вакилига бу масалада мурожаат қилишим билан телефонини ўчириб қўйди. Шунингдек, очиқ айвонга чиқадиغان эшиклар калити бўлса-да, қулflanмайди. 6-қаватга чиқиладиган зина қопламаси ҳалитдан сина бошлади. Плинтус ҳам наридан-бери ўрнатилган. Хуллас, уйга кўчиб киришимиз билан, майда-чуйда нуқсонларни бартараф этиш учун 4 миллион сўм сарфладик.

Одамларнинг тўлов қобилияти, даромадлилик даражаси алоҳида мавзу. Бироқ бу ўринда ипотекани ривожлантирмакчи эканмиз, илк қадамлар, албатта, пенсия ва тиббий суғурта ислоҳоти бўлиши керак. Чунки ипотека тизимида энг зарурий унсур, бу — "узун пуллар", яъни йиллар давомида тўлаб бориш шarti. Буни давлат ўзининг ресурслари билан чексиз-чегарасиз ва доимий таъминлаб тура олмайди, ташқи узун ресурсларни жалб қилиш орқали тизимни яратиш ҳам боши берк кўча. Демак, бозор қоидалари бўйича ҳаракатланадиган "узун пуллар" системасини шакллантириш орқалигина соғлом ипотека режимига етамиз.

**Нилуфар ЮНУСОВА,
Тошкент.**

Ўзбекистон Энергетика вазирлиги "Истеъмолчиларнинг электр тармоқларига уланиши бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида" ги ҳукумат қарори лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилди.

Лойиҳага кўра, қуввати 20 квт.гача бўлган истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) тайёр ҳолда электр тармоқларига уланиш бўйича ҳудудий

электр тармоқлари корхонасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари (7,35 млн. сўм) миқдорида бир марталик тўловни

амалга оширади. Корхона электр тармоғига 10 иш куни давомида уланади.

Қуввати 20 квт.дан 50 квт.гача бўлган истеъмолчилар электр тармоқларига уланиш бўйича ХЭТКга база-

вий ҳисоблаш миқдорининг 60 баравари (14,7 млн. сўм) миқдорида бир марталик тўловни амалга оширади, электр таъмино-

ти шартномасини (оферта) имзолайди ва истеъмолчи 20 иш куни муддатда электр тармоқларига ХЭТК томонидан улаб берилади.

Ушбу истеъмолчиларни электр тармоқларига тайёр

ҳолда улаш юзасидан барча ишлар (электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишларини

ЯНГИ ЛОЙИҲА

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИГА УЛАНИШДА БИР МАРТАЛИК ТЎЛОВ

бажариш, электр энергиясини ўлчаш воситасини ўрнатиш ва пломбалаш нарядини расмийлаштириш ва электр таъминоти шартномасини тузиш) ХЭТК томонидан амалга оширилади.





“Мен аёлман, онаман, бувиман. Шу мақомимга қўшимча равишда маҳалла йиғини раиси, қолаверса, сенаторман. Бу шарафли, масъулиятли ва айнаи дамда машаққат талаб этадиган унвон. Шунчаки кўкрагингизга сенаторлик нишонини тақиб олишнинг ўзи билан иш битмайди. Сиз кўп сонли фуқароларнинг ишончли вакили сифатида ана шу лавозимга сайлангансиз. Ҳозир шундай замонки, одамлар сиздан ишингизни бажариб қўйишингизни талаб қилади, керак бўлса, ҳисобот сўрайди. Шунчаки номига сайланиб олиб, вақт ўтсинга ишлаш учун инсонда юрак, виждон бўлмаслиги керак”. Олий Мажлис Сенати аъзоси Матлуба ҒАНИЕВА билан уюштирган суҳбатимизда у шу каби эркин фикрлари билан диққатимизни тортди.

— **Сенаторлик фаолиятингизга бир йилдан ошди. Ўтган давр орасида қандай ишларни амалга ошира олдингиз?**

— Фаолиятим айнан янги Ўзбекистон дастурининг ҳаётга татбиқ этилиш даврига тўғри келди. Бу мен учун ҳам шараф, ҳам масъулият бўлди. 2020 йил 25 январь кун Президент Мурожаатномасини ўқиб эшиттириш жараёнида бевосита иштирок этдим.

Бир йил давомида 3 марта кўмита номидан қонунларни ялпи мажлисга олиб чиққан бўлсам, 2 марта қонунлар музокарасида иштирок этдим. Яқинда Олий Мажлис Сенатининг 13-ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда 18 та масалани кўриб чиқдик. Жами 6 та қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритдик. Омбудсман, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2020 йилда олиб борган фаолияти юзасидан ҳисоботлари ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириши бўйича маърузасини тингладик.

Олий Мажлисининг суд-ҳуқуқ тизими ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси аъзоси бўлганим учун ушбу соҳага оид масалалар менинг асосий вазифаларим сирасига киради.

— **Жойларда қонун бузилишлари бўлганида бориб ўрганиш ва уларга қарши курашиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгамисиз?**

— Қонун бузилиши бўйича оғзаки ёки ёзма мурожаат бўлганида, бу ҳолатни ўрганиб чиқиб, уни фактлар ёрдамида асослагандан кейин, қонун бузилишини содир этган шахсни ишдан олишгача бўлган масалани мутасадди органларга тақдим этиш ваколатига эгаман.

— **Қонун бузилишига учраган фуқаро сизга қандай мурожаат қилиши мумкин?**

— Агар расмий мурожаат қилинса, ана ўша ҳудудга бориб, бу масалага алоқадор мутасаддилар ёрдамида муаммони ўрганиб чиқишим мумкин. Телефонрақамларим Андижон вилоятидаги маҳаллий ҳокимликларда, facebook

СЕНАТОР бўлиш учун...

ва бошқа ижтимоий тармоқларда бор. Кўпинча фуқароларимиз Олий Мажлис Сенати Раисига ва кўмиталарга ижтимоий тармоқлар орқали мурожаат қилишади. Бу аризалар тегишли равишда ўрганиб чиқирилиши учун ҳудудлардаги маҳаллий сенаторларга жўнатилади. Масалан, 2017 йилда Андижон тумани, Гулобод МФЙда 110 та оила фойдаланаётган 54 гектар ер ҳеч қандай асоссиз олиб қўйилган. Бу фуқаролар мазкур масала юзасидан кўп жойларга мурожаат қилишган, лекин ижобий натижага эришмаган. Мен ўз ваколатимдан фойдаланиб,

ҳолатидан келиб чиқиб, унга берилиши керак бўлган имтиёзлар ёрдамида ҳаётини изга солдим. Ҳозирда Лайло тиббиёт коллежида таҳсил оляпти. Шикоятлари қаноатлантирилиб, муаммолари ўз ечимини топгач, у шундай гапларни айтди: “Давлат раҳбарининг сўзи ҳам, топшириғи ҳам ҳақиқатан жойларда амалга ошириляётганини сизнинг фаолиятингиз мисолида кўрдим. Мен сенаторлар одамлар билан гаплашмайди, фақат қонун билан шуғулланади,

қудуқ ишга туширилди.

— **Иш жараёнида муаммоларга дуч келасизми?**

— Истасизми-йўқми, адолат учун курашиб яшаш ҳеч қачон осон кечмайди. Айниқса, ҳозир сўз ва фикрлар эркинлиги, хилма-хиллиги бўлган бир даврда ҳақиқат тарозисини тўғри қўйиш қанчалар қийин. Чунки ҳамма ўзини ҳақ деб билади. Мен қонунлар устуворлигига ҳар доим риоя қиламан. Бу йўлда қанча тазйиқларга, тўсиқларга дуч келдим, адолатпарварлигим учун мени ёмон кўриб

қолганлар бўлди. Лекин виждонимга қарши бормадим. Ҳақиқат, барибир, қарор топар экан. Сенатда кўмитамиз “Адолатли сенатор” номинациясига менинг номзодимни кўрсатди. Бу номинацияда ғолиб бўлмасам-да, эътирофнинг ўзи менга қўйилган баҳо.

— **Асли мутахассислигингиз?**

— Иқтисодчи-бухгалтерман. Лекин ўз соҳамда ишламадим, ёшлигимдан раҳбарлик йўналишидан кетдим. Турмушга чиқмасимдан аввал колхозда раис ўринбосари бўлдим. Раҳбарлик

фуқарога ҳам масаланинг қонуний томонларини вазминлик билан тушунтираман. Бошқа томондан ечим излаш йўллари ҳам ўргатаман. Ана шунда унинг фикри ўзгариб, жаҳлидан тушади.

— **Раҳбарлар билан тил топиш, улардан бирон масала ечимида ёрдам сўраш осон бўлмас керак?**

— Албатта. Ҳар бир раҳбарга психологик ёндошмасангиз, тилини топмасангиз, сизни эшитмайди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида сектор раҳбарларининг ҳисоботини тинглашим керак. Айрим вақтларда раҳбар ходимлар қабулга вақт ажрата олмай қолади. Баъзида шундай вазиятлар бўладики, катта-катта муаммоларга қарши курашишга, юқори лавозимдаги инсонлар билан баҳслашишга тўғри келади. “Ҳа, бўлса, битта маҳалла раиси-да, раисдан битта сенатор керак бўлгани учун сайлашган-да”, дегувчилар ҳам топилади. Менинг энг катта қуролим — бу қонун. Ёшлигимдан қонунларни яхши ўрганганман. Бу иш фаолиятимда асқотади.

— **Кўп вақтингиз мажлисларда, йиғинларда ўтади. Оилангизга камроқ вақт ажратишингиз табиий...**

— Тўғри, аёл киши оила бекаси сифатида қарорларни қабул қилишга, оилани бошқаришга вақт топиши керак. Қизим йўқ, икки нафар ўғлим бор. Келинларим қизимдан зиёда. Эрталаб туриб ишга келаётганимда ҳамма нарсамни тайёр қилиб қўйишади, жуда саранжом-саришта. Мен ҳам уларга ўз фарзандимдек меҳр берганман. Вазифаларни тақсимлаб, қиладиган ишларини тушунтириб қўяман. Баъзида эрталаб чиқиб кетиб, кеч қайтаман, ялпи мажлисга кетганда ҳафталаб уйда бўлмайман. Шу боис оиладаги ваколатларимнинг бир қисмини келинларимга бердим, кўп масъулиятни улар ўз зиммасига олиб, йўқлигимни билдирмайдилар.

— **Ишга борингизни берасиз. Бу ҳолат панд берган вақтлар ҳам бўлди-ми?**

— Ўтган йили февраль ойида турмуш ўртоғимни йўқотдим. Иккинчи ялпи мажлисга кетганимда, қон босими тушиб, оламдан ўтган. Мана шу воқеа менга катта сабоқ бўлди. Яқинлар ғанимат эканлигини, фурсат бўлиши билан уларни йўқлаш, асраб-авайлаш, яхши гаплар билан қўллаб-қувватлаш зарурлигини ҳис қилдим. Инсонийликнинг қадри нақадар бебаҳолигини оғир кунларда тушуниб етар эканмиз.

Нигора ТЎХТАМАНОВА
суҳбатлашди.



мана шу муаммонинг ижобий ҳал этилишига эришдим.

Агар муаммо битта бўлса ўзим бораман, кўп бўлса, ҳудуд ҳокими, сектор раҳбари, адлия ходимлари ва бошқа мутасадди органларни бу масалаларга жалб қиламан.

Хабарингиз бор, фуқаролар ўз фикрларини ижтимоий тармоқлар орқали очиқ-ойдин Олий Мажлис Сенатига, Вазирликларга ва бошқа ташкилотларга йўллаш имкониятига эга.

2021 йил январь ойида избосканлик оғир руҳий ҳолатга тушиб қолган бир қизнинг мурожаати билан ҳам шуғулландим. У ота-онаси томонидан қаровсиз қолдирилган, ижтимоий оғир вазиятда эди. Бу қизнинг

деб ўйлаган эканман”.

— **Айни пайтда маҳалла раиси сифатида ҳам фаолият олиб бораёсизми?**

— 2002 йилдан бери Орол маҳалла фуқаролар йиғини раисиман. Фуқароларимиз ўзларини қийнаётган муаммолар бўйича юқори идораларга чиқмасдан, тўғри бизга мурожаат қилишади. Вилоят ва туман миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни уларнинг номидан ўзим юқори ташкилотларга мурожаат қилиш орқали ечимини топишга эришаман. Мисол учун, 2020 йил “Орол” маҳалласида ичимлик суви тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Вилоят ҳокимига мурожаат қилдик. Натижада 6,5 километр масофада сув тармоғи ва 1 та

тақдиримга битилган, балки. Нима бўлганда ҳам эл-юрт орасида қонун ва қарорларга суянадиган, қатъиятли, адолатли раҳбар аёл сифатида танилдим. Бундан кейин ҳам мана шу ҳаётий тамойилимга содиқ қоламан.

— **Шунча иш учун кучни қаердан топасиз?**

— Одамларнинг кўзидаги қувонч ва миннатдорлик туйғуси куч беради менга. Халқнинг ишончи мадад беради. Ишончни оқлаш керак. Гап кўтаролмайман. Эътирозга йўл қўймаслик учун вазифаларни вақтида бажараман. Йўқлигимда кимдир мурожаат билан келиб, мени тополмасе, келишим билан уни излаб, ўзим бораман. Олдимга аччиқ устида, жаҳл билан келган



Маъруфжон Расулов ўз ҳаётининг чорак асрини “Hamkorbank” АТБ тизимига бағишлади. У билан суҳбатимиз банкнинг илк ташкил қилинган дамлари билан бошланди.

— 1995 йилда “Андижонбанк”га ишга келганман. Илк фаолиятим қимматбаҳо қоғозлар бўлими мутахассислигидан бошланган...

М. Расулов бунга қадар анчагина чархланиб, малакали мутахассисга айланиб улгурган. Болаликдаги орзуси учувчи бўлиш мақсадида Рига авиация билим юртида таҳсил олади. 1977 йили ўқишни тамомлаб, 9 йил шу соҳада меҳнат қилади. Дастлаб Қўқон бирлашган авиаэскадрильясида, кейин Андижон аэропортида.

Андижон вилоят ички ишлар бошқармасида оператив ходим вазифасида ишлаган кезлари иродали, қатъиятли бўлиб шаклланди. Ўқиш, илм олиш, изланиш учун ҳар қачон вақт топ-

ди. Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тамомлади.

... Банк “ҳаёти”га мослашди, иш юртида қийналмади — тезгина киришиб кетди. Қисқа вақтда тижорат ишлаб чиқариш бўлимида етакчи мутахассис сифатида ўзини кўрсата олди. Билими ва салоҳиятининг янги қирралари кредит бўлимидаги фаолиятида мижозлар билан муомала маданиятининг юксаклигида кўринди. Бош банкда пул муо-

эди. Талабчанлик, ишга бўлган иштиёқ, сифатли хизмат муваффақият гарови эканлигини ҳамкасбларига тушунтира олди.

Бош банкда нақд пул берилишини мониторинг қилиш бўлимида муносиб кадрларни танлаш ва уларни иш билан таъминлашда Маъруф аканинг зийраклиги боис билимли, ғайрат-шижоатли ёшлар ишламоқда. Корпоратив бизнесни ривожлантиришда ўзига хос мактаб

ИЗЛАНГАН ИМКОН ТОПАДИ, ЭНГ МУҲИМИ — ХОҲИШ

маласи, кредит бўлимларида тажриба орттиргач, Шаҳрихон филиалида кредит бўлимини бошқарди. Тартиб-интизом билан юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини ҳамкасбларига сингирди. Ишонч, ташкилотчилик, сифатли хизмат ташкил қилганлиги боис, кейинчалик Асака филиали бошқарувчи муовини, бошқарувчиси вазифаларига муносиб топилди.

— Асакада ишлаб юрган кезларимда чет эллик меҳмонлар билан мулоқотимиз кўп бўларди. Уларнинг эътироз ва таклифларини эшитиш, тажрибасини ўрганиш банк иқтисодий ривожланишига омил бўлишини тушундим, — дейди суҳбатдошим. — Мижозларнинг хонама-хона юриб ҳужжат тўлдиришлари, уларнинг узок кутиб қолишлари борасида эътирозлари қисқа вақтда барҳам топди. Сифатли хизмат асносида касб этикасига катта эътибор қаратилди.

Кўрғонтепа филиалида ҳам ўзига хос муҳит ярата олган Маъруф ака учун банк қоида-интизом ҳар қачон муҳим

ярата олган Маъруфжон Расулов ички аудит хизматини ривожлантириш борасида ҳам юқори натижаларга эришди. Муаммоли кредитлар сектори етакчи мутахассиси сифатида мижозлар ва банк ўртасида чинакам адолат кўпригини ўрната олди. “Инсон ресурслари департаменти” ташкил қилинган дамларда биринчи раҳбар сифатида ходимлар хизмат вазифаларини жорий этиш ҳамда бўлим ва секторлар низомини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

— Болаликдаги орзум амалга ошмаган бўлсада, банк соҳасида муносиб хизмат қилдим, халқимиз турмуш фаровонлигига ҳиссамни қўшдим, деб ўйлайман ва касбимдан фахрланаман.

Маъруфжон Расуловнинг “Инсон изласа имкон топади, энг муҳими — хоҳиш” деган қарашлари фарзандларига ҳам сингган. Оилада намунали ота. Ҳаётининг мазмуни — дилбандлари даврасида шукроналик гаштини сурмоқда. Босиб ўтган умр йўллари кўпчиликлари ибратдир.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.

ХУШҲАБАР

ФМО — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

ФМО (Нидерландия Тараққиёт Банки) кичик бизнесни молиялаштириш мақсадида “Hamkorbank”ка 40 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиини тақдим этди. Янги кредит линия маблағлари республикада фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтиришга ва қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини сотиб олиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

ФМО — дунёдаги йирик ва нуфузли молия институтларидан бири ҳисобланади. Банкнинг у билан ҳамкорлиги 2012 йилда бошланган бўлиб, шу кунгача икки молиявий ташкилот ўртасида бир неча бор кичик бизнес субъектларини молиялаштиришга йўналтирилган кредит битимлари имзоланган. 2014 йилдан бошлаб ФМО “Hamkorbank” АТБ акциядорларидан бири бўлиб келмоқда.

Ҳамкорлик натижасида 400 дан ортиқ SME субъектлари молиялаштирилди ва уларнинг линиялари орқали 2 000 га яқин янги иш ўринлари яратилишига муваффақ бўлинди.

Келгусида дўстона алоқаларни янада кучайтириб, янги лойиҳаларни молиялаштиришда яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

(ЎЗ МУХБИРИМИЗ).

“Hamkorbank”нинг Шайхонтоҳур филиали 2015 йилда ташкил қилинган. Мижозлар қадами узилмайдиган бу муассасадаги ходимларнинг муомала маданияти юксак. Филиал фаолиятидан мақола ёзишни ният қилгандик. Аммо улар ўз мижозлари — “Chirchiqmash” масъулияти чекланган жамиятига бўлган ҳурмати боис завод ҳақида ёзиш таклифини беришди.



9 БОРА КРЕДИТ:

РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

— Филиалимизда барча хизмат турлари мавжуд. Шу боис мижозларимиз ҳам талайгина. Банкнинг энг биринчи ва энг йирик мижозларидан бири — “Chirchiqmash” МЧЖ. Ҳозирги кунда юксалаётган энг йирик заводлардан. 1996 йилда кичик корхона сифатида фаолият бошлаган. Айни вақтда экспорт билан ҳам шуғулланади. Ва айтиш мумкин, тартибли ва масъулиятли ҳамкоримиз, — дейди филиал корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Зухриддин Абдурахимов.

— Дастлаб иш бошлаганмизда хомашё етишмаслиги боис бир кун иш бўлса, икки кун дам олинарди. Ҳамма муаммолар маблағ билан боғлиқ эди, — дейди МЧЖ раҳбари Руслан Хуснутдинов.

2016 йилда муаммолар “Hamkorbank” АТБ нинг

Шайхонтоҳур филиали томонидан тузилган шартнома орқали барта-раф этилди. Корхонанинг мақоми ўзгарди — заводга айлантирилди. Банк кредити ёрдамида айланма маблағларини тўлдириш орқали завод анча ўзини тиклаб олди. Чет элдан хомашё ва зарур техник жиҳозлар харид қилинди. Албатта, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ҳам кўпайди.

Ҳар хил металл ва металл бўлмаган материаллардан тайёрланган маҳсулотларнинг нуқсонларини аниқлаш усули (дефектоскопия) хизматини амалга ошира бошлаган заводга, табиийки, ишчи кучи зарур эди. Кундан-кунга ишчилар таркиби кенгайди ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди.

2016 йилдан бугунга қадар олинган жами 560 минг АҚШ дол-

лари ва 2.3 млрд. сўм миқдоридаги кредит эвазига нефть-кимё саноати-га мўлжалланган ностандарт ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Натижада “Chirchiqmash” филиалнинг энг катта тижорий ҳамкорига айланди.

Завод банкнинг 9 бора кредит мижозидир. Ушбу маблағлар эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми айни дамда 19, 7 млрд. сўмни ташкил этди. Икки йилда 30 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилган. Асосийси, иқтисодий ўсишга эришилмоқда.

Нилуфар ТЎРАҚУЛОВА.

БИЗНИНГ МИЖОЗ



Хушонида Олимова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Бахтиёр Неъматов билан турмуш ўртоғи орқали танишган. Яъни Бахтиёр аёлининг турмуш ўртоғи Адҳам Олимовнинг синфдоши. Хушонида Хитой давлатидан товар олиб келиб сотар, эри эса машина олди-сотиси билан шуғулланарди. Бизнеслари учун пул зарур бўлиб қолганида Адҳам Бахтиёрдан қарз олиб турарди.

Жиноятга жазо бор



ПУЛНИ ҚУВГАН ФИРИБГАР АЁЛ

Бахтиёрнинг ҳам ўз бизнеси бор. Хушонида хўжайинига билдирмай, ундан қарз сўрайдиган бўлди. Ишлари юришвермагач, каттароқ пул топиб, бизнесини ривожлантириш кераклиги ҳақида ўйлаб қолди. Ана шундай кунларнинг бирида хаёлига бир режа келди. Бахтиёрни алдаб, пул олса бўлади. Фақат аввал уни берган пулини тезда қайтишига ишонтириш керак. Ана шу мақсадда бобосидан 400 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ мерос бўлиб қолгани ва банкда сақланаётгани ҳақида гап тарқатди. Табиийки, хабар Бахтиёрнинг қўлоғига ҳам етиб борди. У мерос ҳақидаги эртасига ишонди.

Бу ишонувчанлик жуда қимматга тушди. Аёл икки йилга яқин вақт мобайнида ундан 30 минг АҚШ долларидан ортиқ пулни алдов йўли билан олиб, ишлатиб юборди.

Воқеа қуйидагича кечди. Хушонида Бахтиёрнинг олдида бориб, “Орлондо” русумли автомашинасини давлат мусодара қилиб юбормаслиги учун 3 минг 500 АҚШ доллари керак бўлаётганини айтиб, унга илтижоли боқди. Қарзини банкдаги меросни олиши билан қайтаришга ваъда берди. Хушониданинг катта мерос эгаси эканлиги кўнгиллини тўқ қилган Бахтиёр сўралган пулни унга қўш-қўлаб тутқазди. Бу аёлининг режасидаги биринчи юриш эди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай у заводга 4 та “Жентра” машинаси учун пул ўтказиб қўйганлиги ва уларни олиш учун устамага 800 АҚШ доллари зарур бўлаётгани ҳақидаги навбатдаги уйдирмани ўйлаб топди. “Хомий” бу маблағни беришда ҳам иккиланмади. Бироқ, қанча вақт ўтса-да, машинадан ҳам, пулдан ҳам дарак бўлмагач, Бахтиёр Хушонидани қистовга ола бошлади. Шунда аёл навбатдаги режага ўтди. Олган пулларини қайтариш учун Бахтиёр Неъматов номига банкда карта очирганлиги ва картани ўз қўлида сақлаётганини маълум қилди. Бир дугонасининг рақамидан Бахтиёрнинг телефонига банкдан унинг картасига 100 минг АҚШ доллари ўтказилганлиги ҳақида сохта смс жўнатди.

Афсуски, кўзига фақат катта пуллар кўринаётган Бахтиёр бу смсга

ҳам ишонди. Кейин яна бир сохта марказий банк “ходима”си ўйлаб топилди. У аёл ҳам Бахтиёрга кўнғироқ қилиб, унинг картасидан банкка 4 та “Жентра” учун пул ўтганлиги, аммо бир киши номига 4 та машина берилмаслигини билдирди. У бу гапни Хушонидага айтганида, аёл унга ўша ходимага пора тариқасида қоғоз ичига бир неча донга “кўки”дан солиб берса, иши силлиқ кўчишини ўргатди. “Лақма ўлжа” аёлининг бу кўрсатмасини ҳам бажариб, тўқима банк ходимасига совға тариқасида жами 4 минг 300 АҚШ доллари бериб юборди. Албатта, бу пулларни ўзим воситачилик қиламан, деган Хушониданинг қўлига тутқазди.

Орадан яна бир неча ой ўтди. На банкдаги доллардан, на машинадан, на унга очилган пластик картдан дарак бўлмагач, Бахтиёр Хушонидага босим қила бошлади. У иложсиз қолгач, 100 минг АҚШ доллари дея бир пачка пул кўрсатди.

— Аммо бир муаммо бор. Бу пулларни ишлатиш учун Давлат хавфсизлик хизматидан рухсатнома олиш керак, — деди.

Бахтиёр 100 минг АҚШ долларлик пачканинг фақат усти ва энг тагидигиси 100 долларлик, ичида эса 1 долларлик купюралар бўлганини билиб қолди. Ана шундан сўнг шира босган кўзлари ярқ этиб очилди ва ички ишлар органлари томон чопди.

Жиноят ишлари бўйича Хонобод шаҳар суди судланувчи Хушонида Олимовага етказилган зарарни жабрланувчига қоплаб бериш ҳақидаги қарор билан бирга тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Балки, бу фирибгарлик ортида Адҳам Олимовнинг ҳам қўли бордир. Ҳар ҳолда қайси эркак аёлининг шунча найрангидан беҳабар қолади? Алданиб қолаётган шахсларни ҳам оқлай олмаймиз. Айнан уларнинг ишонувчанлиги товламачиларга қўл келади. Шундай экан, ҳамиша хушёр бўлайлик.

У. МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Хонобод шаҳар суди раиси.

БМТ вакили бўлган Бутунжаҳон Метерология ташкилоти мутахассислари исиш коронавирусга қарши курашда ҳушёрликни сусайтириш учун сабаб эмас, дея огоҳлантирди.

КУН ИСИДИ ДЕБ, ЭҲТИЁТКОРЛИКНИ УНУТМАНГ!

Йирик шаҳарлар аҳолисининг 50 фоизиди коронвирუსга қарши анти-телалар мавжуд. Аммо касалликнинг янги тўлқини иммунитетнинг кескин пасайишига ёки янги штаммлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Тўғри, касаллик паст ҳароратда юқори ҳароратга нисбатан узоқроқ яшайди, лекин бу вируснинг тарқалиши об-ҳаво билан эмас, эҳтиётсизлик чораларининг қўлламаслиги билан боғлиқ.

COVID-19 касаллигини келтириб чиқарган SARS-CoV-2 вируси ўрганилганда, у совуқ ва кам ультрабинафша нурланиш шароитида узоқроқ яшаши ҳақида баъзи далиллар аниқланди. Бироқ ушбу тадқиқот метерологик омиллар, яъни совуқ

ёки иссиқ ҳаво вируснинг тарқалиш тезлигига бевосита таъсир кўрсатишини ҳали исботламади. Шу боис мутахассислар аҳолидан шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишни, “Кун исиди, вируснинг таъсири пасайди”, деган фикрда эҳтиёткорликни унутиб қўймасликни сўрамоқда.

Иммунолог-терапевтларнинг фикрича, вирус зарралари атмосферада узоқ вақт юқори намлик шароитида яшаш қобилиятига эга. Шундай экан, биноларнинг ички қисмида, нам, зах ва аҳоли гавжум жойларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, ҳимоя воситаларини ёддан чиқармаслик зарур.

Н.ТЎХТАМАТОВА

Табобат аҳли баҳор фаслида вужудларда қон туғёнга келишини билдиришади. Қон қуюқлашишидан азият чекувчилар бу кезде эҳтиёткорликни унутмаганлари маъқул.

АГАР ҚОНИНГИЗ ҚУЮҚЛАШСА...

Соҳа мутахассислари қон қуюқлашишига кексалик, организмда сув етишмовчилиги, овқат ҳазм қилиш тизимидаги сурункали хасталиклар, дисбактериоз, тўлақонли овқатланмаслик, фермент етишмаслиги, турли замбуруғ, вирус ва бактериялар, кучли зўриқиш, стресс, алко-голь, тамаки истеъмол, камҳаракатлик, ифлосланган ҳаво ва ўта иссиқ иқлим асосий сабаблардан эканлигини айтишади.

Қони қуюқ кишиларда умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, уйқучанлик, тез-тез бош оғриши, қўл ва оёқлар совуқ бўлиши, жимирлаши, парিশонхотирлик, депрессия, оғиз қуриши каби аломатлар сезилади. Булардан ташқари, юрак тез уриши, нафас қисиши, тананинг турли қисмларида кўкаришлар пайдо бўлиши, тирноқ шакли ўзгариши, онг қарахлиги каби



ҳам кузатилади. Мияга қон яхши етиб бормаса, бош айланиши, ҳушдан кетиш ҳам содир бўлиши мумкин.

Шифокорлар тавсия этган ҳапдорилардан ташқари, қонни суюлтирувчи маҳсулотлар ҳам саломатликни меъёрига келтиришда яхши самара бериши азалдан маълум.

Тадқиқотларда аниқланишича, қон қуюқлашишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири кам сув ичиш экан. Бу қабзиятга, пешобга

кам чиқишга сабаб бўлади. Натижада ортиқча моддалар қонга сўрилиб, унинг таркибини янада айнитади.

Иложи борица кўпроқ пиёда юриш ва эрталаб тоза ҳавода бадантарбия қилиш ҳам яхши самара беради.

Хасталикни даволашда етарли миқдорда сув ичиш, қонни суюлтирувчи маҳсулотларни истеъмол қилиш энг қулай усул ҳисобланади. Тиббиёт ходимларининг хулосаларига кўра, қовурилган таомлар қон қуюлишига олиб келади. Шунинг учун улар асосан овқатларни димлаб, қайнатиб ва буғда тайёрлаб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашади.

Ҳ. ТУРҒУНОВ
тайёрлади.

АФОРИЗМЛАР

Ўзингиз орзу қилган киши бўлишингиз учун ҳеч қачон кеч эмас.

Жорж ЭЛИОТ

Агар сен бирор нарсани ўйлаб топа олсанг, уни бажаришга ҳам қодирсан.

Уолт ДИСНЕЙ

Муваффақият фақат интилувчан

одамгагина насиб қилади. Қийин шароитда тушқунликка тушадиганларни эса жуда кам йўқлайди.

Жавоҳарлаъл НЕРУ

Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний ланжлик келиб чиқади.

Дмитрий ПИСАРЕВ

Буюк муваффақиятлар қатъият ва кунт-матонатнинг натижаси, холос.

Сэмюэл ЖОНСОН

— Немис фашистлари юртимизга бостириб кирганида 21 ёшда эдим. Сочпуклар илиб, қош кўзимиздан ўсма-сурмани, қўлимиздан хинани узмасдик. Замон жа яхши бўлмаса ҳам, тинч-осойишта кунларнинг шукронаси баланд эди.

...Номинг ўчгур уруш мусибатидан тўлғин-тўлғин келину қизлар ойнага қарашни

га чиқди. Мана, тилла балдоқ, мана, ёқут кўз-ли узукларим, деди саф-саф жувонлар. Фронт учун, ғалаба учун мулки мерослардан кечворганлар ҳам бўлди. Бир чўмич атала учун ўзини далага уриб, меҳнатдан паноҳ топганлар эдик. Уй даҳлизи ўчоқсиз бўлмасди, у даврларда. Бомдод намозини азон

Онадан сўрадилар:
"Қайси фарзандингизни яхши кўрасиз?"
Она: "Тузалигунича беморини, кайтиб келгунича сафардагисини, катта бўлгунича кичигини, ўлгунимча барчасини яхши кўраман".

Халқни имонга чорлаб, жуда доно гапларни айтишади. Умри узоқ бўлсин, пошшойимизни . Раҳмат..!

да бўлди.
Катта қизим Норхондан етти ўғил-қиз қолган. Ҳаммаси



“ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСИН”, дея дуо қилган Салмахон момо Ниёзалиева бир аср умр кўрмоқда. У Чортоқ туманининг Созсой қишлоғида истиқомат қилади. Сўзлари ўзи каби мулойим, ҳалим момонинг гапларини бўлмасдан эшитдик, ёзиб олдик.

ҳам эп кўрмай қолди. Кўнглимизга ҳеч нарса сиғмасди. “Қора хат”лар кела бошлагач, бешикдаги бувақларимизга-ча ваҳима кўгди.

Онани яратмасин экан, суқсурдай ўғлини тўй-тўй орзулари билан фронтга кузатиб, кулган кўзини-ю, бўлиб бутган бўйини қайтиб кўрмасликка маҳкум бўлганлар фашистларнинг адабини ўзим берайин, деб фронтга отланиб қолди. “...Мана, ер, мана, кетмон! Фронтга сиз эмас, сизнинг буғдойи ҳосилингиз керак. Қасд оладиганлар етарли, уларга озуқа зарур...”, дейишди. Тўғрида, бўш қоп тикка турармиди, болам-а? “Ундоқ бўлса, далада ишлаганим бўлсин”, дея ичкари эшикдан қиёламаганлар ҳам дала-

чақириғиданмас, ўчоқлар мўрисидан чиқаётган “Отамов, отам”, “Боламов, болам”, деган фарёдлардан билардик.

Уруш тугади, ғалаба кунлариям ўтди. Аммо ситамлар тугамади. Урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик кунларини унутиб бўладими-я?! Кошонадай уй-жойлару шоҳона кийим-кечаклар, тўкин-тўкин дастурхонлар билан ҳам ишим бўлмай қолган. Нимагаки, тинчлик осойишталик бўлмаса, бу борликлару бойликлар нима қиберади!?

Тилвизирри кўзим кўпам илғамайди. Аммо Пошшонинг гапини эшитаман. Отингдан ўргилай, Ислоҳ Каримов, отингдан ўргилай, Шавкат Мирзиёев, дейман.

Ўтган йилги кўринмас балонинг синови ҳаммага яна бир сабоқ бўлди-ку, болам. Олдимга одам кирмай қўйди. Навараларим оғзига ниқоб тутиб олган. Ичим ғашланиб, сўрадим: “кўни-қўшнилар тинчми, кунда-шунда тимирскиланиб, кириб чиқаётганлар қани?”

Бир микроб тарқалди, дейишди. Онгим билан қулоқ тутсам, “канаравирус” (коронавирус демоқчи) экан. Вабо сингари юқумлик эмуш. Сабр-қаноат билан тоза юриб, тоза турганга юқмайдиган бир иллат экан. Не-не мусибатли кунларни-ям сабр-қаноат билан енгиб ўтган эл бу. Ўқишдаги невараларим ҳам уйда бўлишди. Бу юртдан у юртга ишлагани борадиганлари ҳам шун-

ўзидан кўпайиш-ганичун бўй-бўйлашиб кеб (келиб) турса, бировини танийман, бировини танимай ҳам қоламан. Кейинги қизим Каримабу ҳам туп қўйиб, палак ёзган. Ҳаммаси зим тушиб, жим. Ўринбойимнинг бола-бақраси билан овуниб ҳаб (жим демоқчи) ўтирдим.

Янги касалликни юқувчан, дейишди. Қўрқиб кетган бўлсам ҳам билдирмасдим. Ўзимни хиёл бепарволикка солдим. Тоза юрина, хушёр бўлина, деб тайинлаб турдим. Аслида қўлни ювиб юриш, ҳа деб юзга ё бошга тегинавермаслик шаърий одатларимиз.

Бу иллат, касофатларидан Яратган Эгамнинг ўзи йироқ қилсин! Жумлаи

мўмин қаторида юрту элимизни ҳифзу ҳимоясида тутсин. Омон-омон турмушимиз бардавом бўлсин!

Яқинда Президент Наманганга келди. Балиққўлдаги Увайс Қараний зиёратгоҳига ҳам келаркан, деб қолишди. Умридан барака топсин. Пошшойимизнинг ўтган сафарги келишлари зиёратгоҳни яшнатиб юборибди. Айниқса, Сутлибулоқдаги “Биби Наима она зиёратгоҳи” бир сўлим жойга айланди. Ўғлим, навараларим билан чиқиб, зиёрат қилиб келдим. Замонни қадрига етайлик. Пошшойимизни қадрлайлик, болам! Ҳокимларимизни ҳам эрта-ю, кеч дуо қиляпман..!

Носиржон ДЕҲҚОНОВ
ёзиб олди.

Баҳор бошқача фасл-да, барибир. Қаҳратонда зах еган вужуд кўклам қуёшида яйраб кетади. Ер юзидаги жамики жонотлар ўзини офтобга уради бу пайтда. Айниқса, болаларни айтмайсизми. Маза, уларга маза!



— Болалигимизда баҳор келиши билан яйловларга мол-қўй боққани чиқиб кетардик, — дейди “Hamkorbank” АТБ Денов филиали ҳайдовчиси Маҳмадмин Бобоқулов. — Чорва ўтлаётган пайтда биз — болалар маза қилиб ўйин ўйнардик. “Чиллик”, “эшак минди”, “улоқ”лардан завқ олардик. Ўша пайтларда ҳам мол-қўйларнинг қорни тўйган, ҳам болалар маданий ҳордиқ чиқарган. Ўйинда ғолиб бўлган бола ўзини кучли ҳис қиларди, кайфияти кўтарилиб, ўзига бўлган ишончи ортар эди. Бу ўйинлар фақат ижобий таъсир кўрсатган.

— Мен ҳам қишлоқда улғайганман, — дейди Бухоро филиали бошқарувчи ўринбосари Шерзод Мергулов. — “Чиллак”, “бужур”, “ланка”, “камон отиш” ўйин-

ларини кўп ўйнаганмиз. Ўйинлар қўл, оёқ ва мия ҳаракатидан иборат бўлгани учун танамиз чиниқарди, кайфиятимиз кўтарилар эди. Афсуски, ҳозирги авлод шундай фойдали ўйинларни ўйнамай қўйди.

— Шаҳарда туғилган бўлсам ҳам, кўчада болалар билан миллий ўйинлар ўйнашни канда қилмаганман. “Беркинмачоқ” жон-дили-миз эди. Назаримда ана шундай ўйинлар билан улғайган авлод жисмонан бақувват бўлади. Қолаверса, болада етакчилик ва жамоавий ишлаш қобилияти ривожланади, — дея ўз фикрини билдириб ўтди Хоразм минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Беҳзод Фозилов.

Ҳа, юқорида санаб ўтилган бу ўйинлар катта ёшли барча юртдошларимизга

таниш. Бундан ташқари, “тўптош”, “оқ теракми, кўк терак”, “ўртага туриш”, “арғимчоқ”, “тош тепиш” каби кўпроқ қиз болалар машғул бўлган ўйинлар борки, уларнинг замирида ҳам спортга ошнолик, руҳан ва жисман ривожланиш, чиниқиш характери мавжуд. Аммо ҳозирги давр болалари бу ўйинларни ўйнамайди. Негаки, жисмоний ҳаракат талаб этувчи ўйинлар ўрнини интеллектуал ўйинлар эгаллади. Фикримизча, ўсаётган бола учун тана ҳаракатига асосланган ўйинларнинг ўрни ва таъсири муҳим. Шундай экан, қадриятимиз, тарихимиз ва ўзлигимизнинг бир қисми бўлган миллий ўйинларимизни ёддан чиқармаслигимиз ва улардан узоқлашмаслигимиз керак.

Нигора МИРОЛИМ
қизи

Кўпқари майдонида орномус, ғурур талашиш полвонларга хос. У оддий кўнгилочар ўйин эмас, мардлик, жасурлик, эпчиллик ва довракликни шакллантирадиган жиддий машғулот. Совринга қўйилган қимматбаҳо нарса эмас, аксинча, баковулнинг адолати, номдор чавандознинг абжирлиги, омад доим мардники бўлишидир.

Ўзбек йигити болагигидан билагига куч, бошига ақл



йиғади. От минишга, кўпқари томоша қилишга қизиқмаган йигит кам бўлса керак. Уни ташкил этиш, ғолибларни муносиб баҳолаш, томошага келган элга ош тарқатишининг ўзи бўлмайди. Наврўз ва тўйларда юзлаб чавандозлар иштирокида кенг далаларда завқли ўйинлар уюштирилган. Байрамларда кураш, човғон, арқон тортиш

ҚАДРИЯТ

каби ўйинлар ҳам ўтказилган.

— Кўпқари — ўзбек халқлари тамаддунида, эр-йигитлари орасида катта аҳамиятга эга мардонатор ўйин, — дейди кекса педагог Маҳаммаджон ҳожи Тўрақулов. — Буни чавандозлар яхши билади ва элга томоша кўрсатиб, кўпқари уюштирса, моҳир чавандозларни меҳнатига яраша рағбатлантирса, гўёки

муқаддас от пирлари олдидаги қарзларини адо этган бўлади. Шунингдек, ўғил фарзанд кўрган оталар фарзандим эр йигит бўлсин, дея ният қилиб улоқ беришади. Кўпқари — бу одат, ҳамон қишлоқларда ўтказилиб келинмоқда.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Энг қадимий кутубхона Мисрнинг Муқаддас Елена ибодатхонасида жойлашган. Ҳозирги кунда ҳам фаолият юритаётган кутубхона милoddан аввалги VI асрда очилган.

КУТУБХОНАЛАР
ВА КИТОБЛАР
ОЛАМИГА БИР НАЗАР

Дунёдаги энг йирик кутубхона 1800 йилда АҚШ Президенти Жон Адамс томонидан ташкил этилган Конгресс кутубхонаси саналади. 150 миллион нусхадан ортиқ китоб фондига эга мазкур масканга йилига бир миллион етти юз минг китобхон ташриф буюради.

Америкалик библиоман Стивен Блумберг умри давомида кутубхоналардан қиймати бир неча миллион доллар бўлган 20 мингдан ортиқ китобларни ўғирлаган. Бундан 268 та кутубхона зарар кўрган.

Финляндиянинг кичик Вантаа шаҳарчаси кутубхонасига қайтарилган қадимий китоб мутолаа учун юз йил олдин берилгани маълум бўлди.

Норвегиялик ёзувчилардан кимдир бу мамлакатда китоб нашр эттирса, минг нусхасини мамлакат ҳукумати дарҳол сотиб олади ва кутубхоналарга тақсимлайди.

"Haskell" кутубхонаси бир вақтнинг ўзида дунёнинг икки мамлакати — АҚШ ва Канадада жойлашган. Бинонинг ярми Американинг Дерби-Лайн шаҳарчасида бўлса, қолган ярми Канаданинг Стэнстед шаҳрида. Кутубхонага фақат АҚШ томонидан кириш мумкин.

1857 йилда британиялик савдогар Жорд Мур дунёдаги илк ҳаракатланувчи кутубхонани ташкил этган. Айнан шу усул билан у фойдали билимларни қишлоқ аҳолиси ўртасида тарқатишга қарор қилганди.

Тўловчи: Ҳ. РАШИДОВ.

Сотти Ҳусанович кўринишидан туппа-тузук одам-у, аммо ҳамма нарсага ишонавериши, ирим-сиримга амал қилиши бир оз ғалати. Китобларда, айниқса, газеталарда ёзилганларнинг барчаси унинг назарида тўппа-тўғри, ўз таъбири билан айтганда, "Улар бир нарсани билишмаса, ёзишмайди". Агар бирон бир одам ҳақида гап кетгудек бўлса, қўйин чўнтагида доимо олиб юрадиган мучал тақвими ва "Толеном"га зимдан кўз ташлайди-да, сўнг фикр юритади.

Ўзининг бир жойда қўним топмай, ҳали у, ҳали бу ташкилотда ишлаб юришини ҳам мучалга боғлиқ деб билади. "Аттанг, сичқон йилида туғилганлигим чакки бўлганда, — деб қўяди "сакраб юришлар"дан жиғибийрон бўлган кезларда. — Шунданми бу яқин атрофда кирмаган ковагим қолмади, ҳисоб. Одамлар ҳам қизик: мучалини суриштириб муомала қилсанг, негадир тушунишмайди. Устига устак, орқаворотдан "мучалшунос" деганлари ортиқча".

Фалакнинг гардиши билан Сотти

келмайди деб. Гап бу ёқда экан-да. Хўш... яна нималар ёзилибди. "Жиддий камчилиги энгилтак бўлиб, энг яхши хислатлари ҳам юзакидир". Котиба қизга тунов кунни жа-а бўлакча қараётувди — демак, тушунарли... "Бундан ташқари, ғийбат қилишни, гап ташишни яхши кўришади, лекин буни киши билмас ҳолда, хушмуомалалик ва эҳтиётлик билан амалга оширишади". Бир нарсани билмаса, донишмандлар бундай ёзишмасди. Демак, ўша йигит маънавий бузуқ. Бундайлар билан бирга ишлаб бўлмайди".

МУЧАЛШУНОС

Ҳусановични янги иш жойига ("Меҳнат дафтарча"сига кўра йигирма учинчиси!) қатнай бошлаганига ҳам икки ойдан сал ошиб қолди. Иш бошлаган кунининг эртасигаёқ котиба қиздан бу ерда ишловчиларнинг туғилган йилларини билиб олиб, мучал жадвалига дарров солиштириб чиқди. Хайрият, аксарияти "Қўй" ва "Сигир" экан! Аммо биттасини, аниқроғи, жингалак сочли йигитчанинг мучалини аниқлай олмай хуноби ошарди. Иттифоқо, кунларнинг бирида, тушлик пайти, ўзи бу ҳақда гап очиб қолса бўладими!

— Бу йил менинг мучал йилим. Умримда учинчи марта мучалимни нишонлайдиган бўлдим. Туғилган куним улфатларимга бир чимдим ош қилиб бераман.

Сотти Ҳусанович шоша-пиша ёнгинасидаги мучал тақвимига кўз югуртирди: "Қуён" экан! "Толеном"да нималар дейилганикин? У югуртилаб хонасига кирди-да, стол тортмасидаги "Толеном"ни варақлашга тушди. "Ҳм-м.. бу йилда туғилганлар... иззатталаб бўлишадилар". Айтдим-а, кўпам салом бергиси



У вақтни ғанимат билиб бошлиқнинг хузурига ошиқди. Қабулхона йўлагига рўпарасидан чиқиб қолган "Қуён" йигитига хўмрайиб бир қаради-да, бошлиқнинг хонасини тақиллатди.

Бошлиқ унинг гапларини обдон тинглагач, охири "уфф" тортиб сўради:

— Ўша ходимимизни айблашга жиддий асосингиз борми ўзи?

— Бор! Бор! — Сотти Ҳусанович

шоша-пиша ёнидан "Толеном"ни чиқарди. — Мана бунга унинг қандай кимсалиги очиқ-ойдин ёзиб қўйилган. Умуман мен "Қуён" йилидагиларни ташкилотимизда ишлатмасликни маслаҳат бераман. Чунки улар...

— Э, бўлди-е! — жаҳли чиқди бошлиқнинг. — Бизга ишга кирганингиздан бери нима билан шуғулланингиз? Бугун кун бўйичи? Одамларнинг мучали билан дейсизми? Хўвв, биродар, бизнинг корхонадагилар одамларнинг мучалини суриштириш, тақдирдан фол очиш билан эмас, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади-ку, а?! Ахир сиз бизда китоботмас, ҳисобот ходимисиз, оғайни! Дарвоқе, ўзларининг мучаллари нима?

— Сичқон, — юз-кўзлари қизариб кетган Сотти Ҳусановичнинг боши елкалари орасига чўқди. Шу топда унинг кўнглидан "Хайрият-е, бошлиқ ҳам мучал суриштираркан!" деган ўй ўтди. Бундан дадил-

ланиб аста минғирлади: — "Толеном"га кўра "Сичқон"лар садоқатли бўлишади, хўжайин.

— Биласизми, менинг мучалим нима? — бошлиқ унга важоҳат билан тикилди. — Йўлбарс! Нима, энди мен Йўлбарсман деб...

Рўпарасида ҳақиқий йўлбарс тургандек Сотти Ҳусановичнинг юрагини ваҳима босди. "Эҳ, бошлиқнинг мучалини "Қўй" деб нотўғри ҳисоблаган эканман. Туғилган йилини янглиш эшитганман, шекилли. Йўлбарс, йўлбарс... Э, йўқ, бу мучалдагилар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Улар қатъиятли, бир сўзли бўлишади. Бунинг устига йўлбарслар мушуксимонлар оиласига мансуб. Мушуксимонлар ёнида сичқонларга йўл бўлсин. Яхшиси, иссиғида бу жойдан ҳам..."

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Сотти Ҳусанович навбатдаги иш жойига йўл олди. Уйдан чиқишда ҳар эҳтимолга қарши ички чўнтагини пайпаслаб кўрди: мучал тақвими ҳам, "Толеном" ҳам жойида экан.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ

ИККИ ХИЛ
ДУНЁҚАРАШ

Бир киши иш столига ўтириб, қўлига қалам олди ва: — Ўтган йили ўт пуфагим жарроҳлик йўли билан олиб ташланди.

Бир неча ой ётиб қолдим. Олтмиш ёшга етдим. Ўттиз йил давомида ишлаган нашриёт уйидаги вази-

фамни тарк этдим.

Отам вафот этди.

Ўғлим автоҳалокатга учрагани, бир неча ой ўқишга боролмагани боис бакалаврлик даражасидан маҳрум бўлди. Ўтган йили жуда ҳам ёмон йил бўлди, — деб ёзди.

Аёли кириб келди. Эри-

нинг кайфиятсиз ўтирганини кўриб, унга яқинлашди. Елкаси узра ёзган хатини ўқиди. Ҳеч нарса демай, оҳиста хонани тарк этди.

Бир неча дақиқадан сўнг қўлига қоғоз ушлаб кириб келди. Индамасдан эри ёзган хатнинг олдига қўйди. Эри унга қараб ўқий бошлади:

— Ўтган йили узоқ йиллар азоб тортиб келаётган ўт пуфагингиз оғриқларидан халос бўлдингиз. Олтмиш ёшни қаршилаган бўлсангиз ҳам, Аллоҳнинг изни ила

соғ-саломатсиз. Ишингизни тарк этганингиз, уйда ўтириб ажойиб асарлар ёзишингизга имкон яратиб берди. Отангиз тўқсон беш йил яшадилар. Ҳеч кимга суяниб, муҳтож бўлмадилар. Қийналмасдан осон жон бердилар. Ўғлингиз автоҳалокатда ўлимдан омон қолди. Ногирон бўлиб қолмасдан, машаққатсиз тузалди.

Аллоҳ бизга ўтган йилни нақадар хайрли қилди. Ҳаммаси яхшилик билан якун топди.

ИБРАТ

Уларнинг икковлари ҳам бир хил ҳодисани бошдан кечиришди. Лекин ҳар хил мулоҳаза қилишди.

Биз доим камчиликларни кўрамиз. Шу сабаб баъзан Аллоҳнинг берган неъматлари учун шукр қилмаймиз. Биздан олиб қўйилган нарсаларни ўйлаб, бутун эътиборимизни шунга қаратамиз. Биз ҳали ҳам бор бўлган неъматларни унутамиз, эсимизга ҳам келмайди.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2018 йил 08 июнда 12-041 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" тахририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул: Н.ТУХТАМАНОВА
Саҳифаловчи: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 378 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-349 Адади: 6075

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.